# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 14 октябрь, № 198 (6128) Сешанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## 1941 — 1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2015 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгилаб қўйилсинки, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йил ва ундан кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштиришга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва “Нуроний” жамғармаси:

бир ҳафта муддатда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг рўйхатини аниқлаштирсинлар;

санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ўз қарамоғида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар:

бир ой муддатда 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ўз қарамоғидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, унда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун йўлланмалар қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига белгиланган нархларда тўлаш тартибини назарда тутсинлар;

Низом тасдиқлангандан кейин 10 кун мобайнида уни вазирликлар ва идоралар ҳайъатларида, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналарнинг бошқаруви йиғилишларида кўриб чиқсинлар;

кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 13 октябрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам раис!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

МДҲ давлат раҳбарларини қутлаш, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Учрашувимиз, бу ерда таъкидланганидек, халқаро вазият шиддат билан ўзгараётган, геосиёсий кескинлик ва сиёсий қарама-қаршиликлар авж олаётган, қачон тугаши ёки пасайиши номаълум бўлган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, диний фанатизм радикаллашаётган ва фаоллашаётган, яқин ва узоқ мамлакатларда зиддиятли вазиятлар кескинлашиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Кенг тарқалаётган зўравонлик, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг реал таҳдидлари кучайиб, айрим мамлакатлардаги вазиятни ўта чигаллаштириб, юзага келган қарама-қаршиликларни хунрезликка айлантираётган ва ўзини назорат қила олмай қолган баъзи сиёсатчи ва сиёсатдонларнинг, айниқса, телеканаллар орқали агрессив даъватлар билан чиқаётгани бизни ташвишга солмай қўймайди, албатта.

Юзага келаётган таҳликали вазиятни тўғри баҳоламаслик қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Масалан, Афғонистонда қарийб 35 йилдан буён давом этаётган биродаркушлик уруши миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди, яна миллионлаб инсонларни қочқинга айлантирди. Мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқариб, вайронагарчиликка олиб келди. Бугун шундай бир авлод вояга етдики, улар қурол тутиш ва ундан фойдаланишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Бу мамлакатни босиб олиш осон эмаслиги азалдан маълум эди. Бунга Афғонистон тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз, ҳаммамиз бу мисолларни яхши биламиз ва шунга қатъий ишонамизки, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди.

Биз Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бугун қатъий ишонамизки, ушбу мамлакатда бир-бирига қарши курашаётган барча асосий этник-диний сиёсий кучлар вакилларидан иборат янги ҳукумат қанчалик тез шакллантирилса, бу беқарорликка, қашшоқликка барҳам бериш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун йўл очиб беради.

Украина масаласига келсак, бизнингча, юзага келган муаммоларни ҳал этиш усули сифатида куч ишлатишдан воз кечиш, фақат халқаро ҳуқуқнинг муҳим нормаларига ва БМТ Низомига асосланган сиёсий воситалардан фойдаланиш, томонларнинг ўт очишни тўхтатиш ва ярашиш бўйича Минск келишувини сўзда эмас, амалда тўла бажариши Украинада тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар жараёни учун зарур шароит яратиши мумкин.

Афсуски, бу борада кўзда тутилган ва музокара жараёнларига ёрдам берадиган жиддий сиёсий масалалар муҳокамаси ҳамон бошлангани йўқ.

МДҲ давлат раҳбарларининг бугунги учрашувига бевосита тааллуқли бўлган яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Икки кун аввал бизнинг учрашувимизда Украина президенти жаноб П. Порошенко иштирок этиши ҳақидаги хабар муҳим янгилик сифатида тарқатилди. Бироқ, кеча кечқурун жаноб П. Порошенко учрашувга келмаслиги, унинг режалари ўзгариб қолгани хабар қилинди. Бизнингча, бундай қарорни маъқуллаб бўлмайди. Салкам бир йилдирки, Украинадаги қарама-қаршиликлар энг долзарб муаммолардан бири сифатида бутун дунёда, жумладан, собиқ иттифоқ ҳудудида муҳокама этиб келинмоқда. Дарвоқе, бугун энг чекка туманлар, қишлоқлар аҳолиси ҳам Украинада қандай воқеалар рўй бераётганини телевидение орқали кўриб, билиб турибди. Бундай шароитда ушбу воқеаларга лоқайд қарайдиган одам бўлмаса керак. Украинада нималар юз бераётгани ва булар қандай бошланганидан деярли барча яхши хабардор. Ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги зиддиятлар қачон ва қандай тугашини ҳамма кутмоқда. Бинобарин, бу муаммо имкон қадар тезроқ ўз ечимини топиши даркор.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик: МДҲ давлат раҳбарларидан қайси биримиз жаноб П. Порошенко билан юзма-юз учрашдик? Фақат айримларгина. Ўтган вақт мобайнида П. Порошенко Европанинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, Брюсселда, бошқа давлатларда бўлди.

Ҳолбуки, у МДҲнинг бугунги саммити мажлисида иштирок этиб, имконитдан фойдаланиши мумкин эди. Дарвоқе, Украина ҳали МДҲ таркибидан чиққани йўқ. Шундай таассурот пайдо бўлмоқдаки, жаноб П. Порошенко иккиланиб турибди ва МДҲдан чиқиш фойдами ёки зарарми эканлигини ўзига аниқ тасаввур қила олмаяпти. Энг муҳими, у бугунги мажлисда иштирок этиб, ўз фикрини баён қилганида, Украина муаммосини ҳал этиш борасида биз учун аниқлик киритилган бўлар эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги мажлисимиз раиси Александр Григорьевич Лукашенко ўз нутқининг пировардида МДҲни янада ривожлантириш истиқболларини ошкора муҳокама қилиш вақти келганини таъкидлади.

Биз учун МДҲнинг аҳамияти, барчамизнинг манфаатларимиз ҳисобга олинган ҳолда, шериклар билан ўзаро фойдали ва серқирра ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигимиз аниқ ва равшандир.

Ҳамдўстлик — бу амалдаги мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базага эга, пухта ишлаб чиқилган восита ва механизмлари асосида бевосита халқаро мулоқот, долзарб масалаларни муҳокама қилиш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги мунозара ва турлича қарашларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар тақдим этадиган тузилмадир.

МДҲ мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан кенг фойдаланиш, террористик ва экстремистик ҳаракатларнинг вақтида олдини олиш, уларга қарши курашиш ва бартараф этиш, энг муҳими, собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилишига кўмаклашиш бўйича мақбул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. Бугун ушбу ҳудудда ўзининг эртанги кунини МДҲнинг шартномавий базаси яратган мулоқотсиз тасаввур қила оладиган мамлакат кам. Ҳатто Грузия ҳам жиддий хатога йўл қўйганини бугун тушуниб етмоқда.

МДҲ маконида барқарор тараққиётни таъминлаш, биринчи навбатда, ўзимизга, яъни Ҳамдўстлик давлатларига боғлиқ. Бу борада мен барча яқин ва узоқ қўшнилар билан бир-биримизни тушуниш, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш, ўз жамиятимизни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш зарурлигини назарда тутмоқдаман.

МДҲ ҳудудида айни пайтда амалда қўлланилаётган савдо тартибига зарар етказмайдиган принципларга асосланган мукаммал эркин савдо зонасини ташкил этиш ва уни тезроқ ишга тушириш кўп жиҳатдан ушбу мақсадларга эришиш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш имконини беради. Бугун Владимир Владимирович Путиннинг ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун энг жозибадор модель сифатида ушбу тартибни ишга тушириш вақти аллақачон етгани ҳақидаги таклифини мамнуният билан тингладим.

Бу халқларимизни яқинлаштирадиган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалаларни узил-кесил ҳал этишга ёрдам берадиган ягона иқтисодий модель бўлиб, бунга биз бежиз алоҳида эътибор қаратаётганимиз йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, собиқ иттифоқ маконида бошқа интеграцион бирлашмалар шакллантирилишига қарамай, МДҲ фаолияти йўлида бирон-бир тўсиқ йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу ўринда гап Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида бормоқда. Бу ерда ҳам муҳокамага сабаб бўладиган ҳеч қандай муаммо кўрмаяпмиз.

Шу билан бирга, ушбу давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири, жумладан, негизида Евроосиё иқтисодий иттифоқи тузилаётган МДҲ ҳам — дарвоқе, ушбу иттифоқ нима асосда ташкил этилаётгани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди — бир-бирини такрорламасдан, ўз фаолиятини мустақил йўлга қўйиши, ривожланиш концепцияси ва узоқ муддатли дастурига эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Агар мазкур шартларга риоя этилмаса, ушбу бирлашмаларнинг ўзаро мувофиқ равишда фаолият кўрсатишига умид қилиш қийин.

Шу ўринда МДҲ масалаларининг бугунги муҳокамаси уларга бежиз эътибор қаратмаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди. Мен аввал ҳам айнан мана шу залда бу масала бўйича қуйидаги фикрни баён қилган эдим: мазкур жараён шу зайлда давом этаверса, яъни МДҲ саммитларига шунчаки бориб-келинаверса — бу ўзини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Шунинг учун кўплаб ҳамкасбларимизнинг ушбу масалалар, айниқса, МДҲ истиқболи билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрларига қўшиламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

# Жаҳон пахта бозорининг нуфузли тадбири

Кеча Тошкент шаҳрида X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилда асос солинган ушбу тадбир дунё пахта ва тўқимачилик саноати мутахассислари, олимлар, енгил саноатнинг йирик корхоналари ва савдо компаниялари вакиллари интиқиб кутадиган энг нуфузли форумлардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан биринчи ярмарка иштирокчиларига йўлланган табрикда, жумладан, шундай дейилган эди: “Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади”.

(Давоми 2-бетда).



■ ФАХР

*Жорий йилнинг 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида вакилларимиз 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални, жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда жами 12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медални қўлга киритганидан яхши хабардорсиз.*

# Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Ана шу нуфузли мусобақада бор маҳоратини намойиш этиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шуҳратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган спортчиларимиз Президентимизнинг 2014 йил 8 октябрдаги фармойишига мувофиқ, пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шуҳрати” музейида Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишлаб ташкил этилган маросимда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Буни ҳар биримиз шаҳару қишлоқларимизда изчил давом этаётган бунёдкорлик ишлари, тобора юксалиб бораётган ҳаёт манзаралари, жамиятга ҳал қилувчи куч сифатида дадил кириб келаётган ёшлар тарбиясига қаратилаётган катта эътибор мисолида кўриб-билиб турибмиз. Жумладан, мазкур жараёнда ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида уларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бирибиридан ажойиб спорт иншоотлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, “Фарзандларимизнинг спортга қизиқиши ва интилишини, керак бўлса, спортга бўлган меҳрини айни ёш болалик давридан уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида, ҳақиқатан ҳам, доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига эриша оламиз”.

(Давоми 2-бетда).

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНИ

*Жорий йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат фуқароларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлади.*

■ САЙЛОВ — 2014

Сайловларни демократик талаблар асосида очиқ ва ошкора ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни жуда аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятида аҳолини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари хусусида хабардор қилиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда, — дейди 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази раҳбари Низомиддин Нурматов. — ОАВнинг фаолияти демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, аҳолининг ўз фикр ва ғояларини, ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиши имкониятини таъминламоқда, жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда. Бу эса фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришларини, сайлов комиссиялари фаолияти шаффофлигини таъминлашнинг энг зарур шартидир.

(Давоми 2-бетда).

# Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари спортсевар ёшларимизни юксак марралар сари ҳаракатлантирувчи ўзига хос парвоз майдонига айланди. Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрлик амалда ўз самарасини бермоқда. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз эришган зафар бунинг тасдиғидир.

Халқимиз атлетларимиз қўлга киритган ушбу натижадан беҳад ғурур ва ифтихор ҳиссини туйди. Бошқача айтганда, юртдошларимиз уларнинг ютуқларини ўз ғалабасидек қабул қилди. Мазкур муваффақиятларнинг асосий мазмун-моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номи ҳамда нуфузини бутун дунёда янада юксалтирди, халқимизнинг куч-қудрати ҳамда салоҳиятини кенг намоён этди.

Икки ҳафтадан кўпроқ давом этган нуфузли мусобақада 228 нафар ҳамюртимиз бокс, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо, оғир ҳамда енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, сузиш, велоспорт, спорт гимнастикаси, стол тенниси, таэквондо (WTF) каби спорт турлари бўйича ўтказилган баҳсларда қатнашди.

Беллашувлар якунида вакилларимиздан Бекзод Абдураҳмонов, Рашид Қурбонов (эркин кураш), Рустам Ассакалов (юнон-рум кураши), Светлана Радзивил, Екатерина Воронина (енгил атлетика), Алексей Мочалов, Вадим Меньков (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Жасур Бойқўзиев (таэквондо WTF), Жамила Раҳматова, Валерия Давидова, Анастасия Сердюкова, Равиля Фархутдинова (бадиий гимнастика, жамоавий) олтин, Дилшоджон Турдиев (юнон-рум кураши), Александра Котлярова, Леонид Андреев (енгил атлетика), Эрнест Ирназаров (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Дмитрий Шокин, Никита Рафалович, Максим Рафалович (таэквондо WTF), Оксана Чусовитина, Антон Фокин, Абдулла Азимов (спорт гимнастикаси), Шаҳобиддин Зоиров, Исроил Мадримов (бокс), Дилшод Чориев (дзюдо), Барно Мирзаева (каратэ) кумуш, Ихтиёр Наврўзов, Умиджон Исманов (эркин кураш), Бесики Солдадзе (юнон-рум кураши), Юлия Тарасова, Надежда Дўсанова, Иван Зайцев (енгил атлетика), Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов, Александр Тронин (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Анастасия Сердюкова (бадиий гимнастика), Ойбек Мамазулунов, Мирзоҳиджон Абдуллаев (бокс), Мирзоҳид Фармонов, Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриев (дзюдо, шахсий ҳисобда), Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, Яҳё Имомов, Наврўз Жўрақобилов, Мирзоҳид Фармонов, Сойиб Қурбонов, Сарвар Шомуродов (дзюдо, жамоавий беллашувларда), Ғофуржон Зоҳидов, Шаҳбоз Аҳадов (каратэ), Маҳлиё Тоғаева, Улуғбек Алимов, Сардорбек Дўстмуродов (оғир атлетика), Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Темур Исмоилов, Санжар Файзиев (теннис, жамоавий) бронза медалини қўлга киритди.

— Осиё ўйинлари ғолиби бўлганимдан бениҳоя хурсандман, — дейди олтин медаль соҳиби Бекзод Абдураҳмонов. — Мусобақа давомида халқимиз ва Президентимизнинг эътибор ҳамда ғамхўрлигини ҳис қилиб турдик. Эндиги мақсадим — 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиб, юртимиз байроғини баланд кўтариш.

Эътиборли жиҳати, мазкур нуфузли мусобақада совринли ўринларни қўлга киритган спортчиларимизнинг ўн уч нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Бу мамлакатимизда хотин-қизлар спортига алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол натижасидир. Айниқса, бадиий гимнастикачи қизларимизнинг ғолибликка эришгани Ўзбекистонда мазкур спорт тури жадал ривожланиб бораётганини кўрсатди.

— Инчеонда совринли ўринларни қўлга киритишни астойдил мақсад қилгандик, — дейди бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Жамила Раҳматова. — Чунки мусобақага муносиб тайёргарлик кўришимиз учун давлатимиз томонидан бизга барча шарт-шароит яратиб берилди. Халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаганимиздан беҳад мамнунмиз.

Яна бир диққатга молик томони, қитъа ўйинларида вакилларимиз асосий совринли ўринларни Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича қўлга киритишди. Бунда, албатта, Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжатда спортчиларимизни Олимпиада ўйинларига пухта тайёрлаш, спорт федерацияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатларда мураббий ва ҳакамларнинг малака оширишини ҳамда спортчиларимизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Маросимда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Марс Қўчқоров, спортчилар Бекзод Абдураҳмонов, Жамила Раҳматова, Жасур Бойқўзиев, Светлана Радзивил ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Жаҳон пахта бозорининг нуфузли тадбири

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган ўн йиллик тарихга назар ташласак, буларнинг барчасига амалда эришилганига амин бўламиз. Негаки, ярмарка, том маънода, ўзбек пахта толасининг жаҳоний бозори мақомига сазовор бўлди. Зотан, тадбир иштирокчилари нафақат ялпи мажлис ва давра суҳбатларида иштирок этиб, халқаро пахта бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболли Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати салоҳияти, уни ривожлантиришга хорижий инвестициялар жалб қилиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш, балки биржа савдоларида қатнашиб, пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ҳеч қандай воситачиларсиз, тўғридан-тўғри савдо битимларини тузиш имкониятига эгадирлар. Шу боис унга бўлган қизиқиш йил сайин кучайиб, иштирок этаётган давлатлар жуғрофияси ҳам, унга ташриф буюраётган бизнес тузилмалари вакиллари сони ҳам муттасил ошиб бораяпти. Бир эътибор қилинг-а, агар дастлабки ярмаркага жаҳоннинг 30 давлатидан 170 та компания ва фирма вакиллари ташриф буюрган бўлса, бу йилгисида 50 га яқин мамлакатнинг 1000 дан ортиқ компаниялари намояндалари қатнашаяпти. Бу Тошкент яна пахта бизнесининг пойтахтига айланганидан яққол далолат эмасми?

X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида сўзга чиққан "Cotton Outlook" халқаро агентлигининг бошқарувчи директори Р. Батлер, Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори А. Гитчунс, Бангладеш пахта уюшмаси президенти М. Аюб, "Xinjiang Yinlong International Agricultural Cooperation Co., Ltd." компанияси бош директори Ф. Ганг ва бошқалар таъкидлаганидек, жуда қисқа давр ичида жаҳон пахта бозори тақвимида мустаҳкам ўрин эгаллаган Тошкент форуми соҳанинг энг муҳим тадбирлари сирасига киради. Ўзбекистон эса нафақат юқори сифатли саноатбоп пахта етиштирувчи мамлакат, балки уни кафолатли етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида ҳам довруқ қозонди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сифатли сақлаш ва харидорларга етказиб бериш борасида ўзига хос тизим яратилди. Натижада халқаро бозорда савдолар фаоллашган ҳозирги пайтда толамизни харид қилиш умидида юртимизга ташриф буюраётганлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Ушбу жараёнда асосий эътибор харидорларга сифатли тола тақдим қилишга қаратилаётир. Шу мақсадда ғўзанинг истиқболли навларини яратиш, экин парваришига илм-фан ва техника ютуқлари, замонавий технологияларни изчил жорий қилиш, қайта ишлаш тизимини тубдан модернизациялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилаяпти. Истиқлол йилларида юртимизда селекциячи олимлар томонидан ғўзанинг 107 та янги нави яратилгани, улардан 27 таси Давлат реестрига киритилиб, асосий майдонларда парваришланаётгани бунинг исботидир. Улар ҳосилдорлиги, эртапишарлиги, толасининг ранги, пишиқлиги, микронейри, шунингдек, бошқа техник кўрсаткичларининг устунлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мутахассисларнинг айтишича, тола баҳосини белгилашда сифат энг бирламчи омил ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари модернизация қилинган ҳолда, ишлаб чиқаришга инновацион ишланмалар татбиқ этилаётгани қувонарлидир. Зеро, биргина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори асосида, 41 пахта тозалаш заводида модернизациялаш лойиҳалари муваффақиятли бажарилдики, бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватларини кескин ошириш, тола сифатини янада яхшилаш имконини берди.

Ялпи мажлисларда Ўзбекистонда қўлга киритилаётган шу каби муваффақиятларга алоҳида тўхталиб, буларнинг барчаси ўзбек толасининг жаҳон бозоридаги мавқеини оширишга, ҳамкорлар сафи кенгайишига хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида халқаро ярмарка иштирокчилари эътиборига "Ўзэкспомарказ" мажмуи павильонларида ўзбек пахта толаси намуналари ва кенг ассортиментдаги тўқимачилик маҳсулотлари намойиш этилди. Чет эллик харидорларга шу ернинг ўзида танланган туркумни сотиб олиш юзасидан шартнома тузиш, маҳсулотни етказиб бериш масаласини ҳал этиш учун барча шарт-шароит яратилгани айни муддао бўлди.

Тола намуналари билан яқиндан танишган мутахассислар ўзбек пахта толаси асосий кўрсаткичлар билан бирга, HVI тизимида аниқланган қўшимча кўрсаткичлар бўйича ҳам харидорлар талабларига мос эканлигини таъкидладилар. Бинобарин, юртимизда ишлаб чиқарилаётган тола ва момиққа оид тойма-той сифат кўрсаткичлари бўйича сўнгги тавсифлар Бремен пахта ассоциацияси ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг аъзоси "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан HVI тизимлари замонавий ускуналаридан фойдаланган ҳолда берилади.

Заминимизда етиштирилган хом ашёни чуқур қайта ишлаш, қўшимча қиймматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш тизимда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадда соҳага чет эл инвестицияси жалб этилиб, ҳар йили кўплаб замонавий корхоналар барпо қилинаяпти.

Ҳозирги пайтда республикамизда 3000 та енгил саноат корхонаси рўйхатга олинган бўлса, шундан 300 таси "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси тизимида бирлашган. Уларда ишлаб чиқарилаётган турфа хилдаги тайёр кийим-кечаклар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан дунёнинг 45 дан ортиқ мамлакатларига жўнатилаяпти. Табиийки, бу жараёнда Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим бозор вазифасини ўтаётир.

Кўргазма залларида маҳаллий корхоналарда кейинги йилларда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган тўқимачилик маҳсулотлари, миллий анъаналар ва замонавий усуллар мужассам турли кийим-кечаклар кенг намойиш қилинаяпти. Айниқса, "Ўзбекенгилсаноат" ДАК қошидаги "Шарқ либослари" дизайнерлик маркази ҳамда "Осиё рамзи" модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси томонидан тайёрланган либослар намойиши шоу тусини олди. Буни яқиндан кузатган чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда тўқимачилик саноати жадал тараққий этиб бораётгани, жаҳон подиумларига чиқа оладиган сара либослар дизайнлари яратилаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Қисқача айтганда, жаҳоннинг тўқимачилик ва енгил саноати тараққий этаётган давлатлари борки, уларнинг вакиллари яна Тошкентда жам бўлишди. Зотан, X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси жаҳон пахта ҳамжамиятининг энг муҳим ва аҳамиятли тадбирларидан бири бўлиб, пахта толасини экспорт қилишнинг бозор механизмларини янада ривожлантириш, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хорижий харидорлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррардир.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЛОЙИҲА

*Аму-Бухоро машина канали тизимида "Қуйимозор-2" янги насос станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

## Янги гидроиншоот сув таъминотини яхшилайди

Мазкур гидроиншоотни бунёд этиш учун 15,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Пировардида 30 минг гектардан ортиқ майдонни суғориш тизими тубдан яхшиланди.

— Бу ерга ўрнатилган замонавий агрегатлар секундига 4 куб метр сувни 24 метр баландликка чиқариб бериш қувватига эга, — дейди Аму-Бухоро машина канали Қизилтепа тумани бошқармаси бош муҳандиси Соҳиб Қодиров. — Энг муҳими, бошқарув тўлиқ компьютерлаштирилган.

2015 — 2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ, Аму-Бухоро машина канали Қизилтепа тумани бошқармасига қарашли "Қизилтепа-1" ва "Қизилтепа-2" насос станцияларини ҳам Осиё тараққиёт банки ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан реконструкция қилиш режалаштирилган.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сайлов жараёнида шаффофлик, ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бориши тўғрисида холис ва ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди. Унинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларини сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тегишли расмий маълумотлар ва ахборот материаллари билан таъминлашдир. Республика матбуот маркази ишига мамлакатимизнинг етакчи журналистлари жалб қилинган. Уларнинг профессионал фаолияти учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилиб, интернет ҳамда алоқа воситалари шай этиб қўйилган.

Сайловчиларнинг катта қисми интернетдан фаол фойдаланадиган ёшлар экани ҳисобга олинган ҳолда, барча ахборотлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайти (www.elections.uz)га жойлаштирилиб, доимий равишда янгиланиб борилмоқда. Марказий сайлов комиссияси сайти орқали фуқаролардан сайловга тайёргарликнинг бориши, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида сўровлар келиб тушмоқда. Шуни қайд этиш керакки, сайлов жараёнларига қизиқиш тобора ошиб бораётир. Буни сайтга ташриф буюрувчилар сони кўпайганида ҳам кўриш мумкин.

Марказий сайлов комиссиясида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларидан аккредитациядан ўтказиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида аккредитация учун мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 286 нафар вакилидан тегишли ҳужжатлар келиб тушди.

— Марказий сайлов комиссиясида аккредитациядан ўтиш учун мурожаат қилган чет эл оммавий ахборот воситалари сони ортиб бораётгани хорижда мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнларга қизиқиш кучли эканлигини кўрсатади, — дейди Марказий сайлов комиссияси аъзоси Суяржон Қурбонқулов. — Сайловни ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида аҳолини тўлиқ ва холис хабардор қилиш мақсадида амалга оширилмоқда. Зотан, улар фуқароларнинг парламент сайловида фаол иштирок этишида муҳим омил бўлган сайловларнинг асосий принциплари — очиқлик ва ошкораликни таъминлашда асосий вазифани бажаради.

Мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг аккредитациядан ўтган журналистларига Республика матбуот маркази томонидан сайлов кампаниясини ёритишда ҳар томонлама кўмак берилади.

Умуман, аккредитация оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов кампанияси билан боғлиқ барча ахборот материалларини олиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирларда иштирок этиш, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқини беради. Бунда, шуни унутмаслик керакки, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар таъминланади. Сайловчилар сайлов куни мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳамда ўзларининг овоз беришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиш учун холис ва ҳаққоний ахборотни олиши айни заруратдир.

**Қобил ХИДИРОВ.**

СЎЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

# Самарали ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда

*Пойтахтимизда ўтаётган X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси, том маънода, ўзаро алоқаларни ривожлантирувчи мулоқот майдонига айланмоқда. Зеро, бу ерда йиғилган пахтачилик соҳаси мутахассислари, пахта толаси савдоси билан шуғулланувчи компаниялар раҳбарлари қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қилиш баробарида, истиқболдаги режалар хусусида ҳам фикр алмашмоқдалар. Манфаатли алоқалар ўрнатиш пайидан бўлмоқдалар. Буни тадбир иштирокчиларининг қуйидаги сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин.*

**Алоис ШОНБЕРГЕР,**
**"Cottonex Anstalt" компанияси бош директори (Австрия):**

— Юртингизда бир неча йиллардан буён ташкил этилаётган ушбу ярмарка жаҳон миқёсидаги йирик тадбирлардан бирига айланиб улгурди. Ўзбек толасини харид қилиш ёки соҳа янгиликларидан бохабар бўлиш истагидаги компания ва фирмалар, савдо ташкилотлари вакиллари, мутахассислар сафи йил сайин кенгаяётгани шундан далолат беради. Мен буни қаердан биламан? Чунки компаниямиз Ўзбекистондан Австрияга пахта толасини импорт қилиш билан шуғулланади, шу боис ҳар йили мазкур нуфузли тадбирда иштирок этаман. Ҳар гал келганимда, ўзбекистонлик мутахассислар билан суҳбатлашиш жараёнида уларнинг соҳада қўлга киритаётган ютуқларига гувоҳ бўламан. Тўқимачилик корхоналари фаолияти билан танишаман. Мана, бугунги анжуманда ҳам биз, қатнашчилар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Пахта навларини яратишдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён билан яқиндан танишиш имконига эгамиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта толаси халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бу эса, ярмарканинг самарали ўтиши, ўзаро ҳамкорлик бўйича кўплаб шартномалар имзоланиши учун муҳим омилдир.

**Цай Гаун ЧУАН,**
**"Nantong Yufeng Plastic Packing Co. Ltd" компанияси президенти (Хитой):**

— Ўзбекистонга учинчи бор келишимиз. Яъни юртингизда пахтачиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлардан анча-мунча хабардормиз. Лекин бугун — ярмарканинг дастлабки кунида ўтказилган тақдимот ва маърузалар орқали мазкур заминда пахта етиштириш технологияси ҳамда уни қайта ишлаш саноатини равнақ топтириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларимиз янада бойиди. Рўёбга чиқарилаётган бу каби ишлар, албатта, ўзбек толасининг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг рақобатбардошлигини ошириб, харидоргирлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Компаниямиз пахта толасини қадоқлаш ва бу жараёнда фойдаланиладиган ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ишончим комилки, Тошкент ярмаркаси биз учун омадли келиб, янги битимлар тузиш йўлида янги имкониятларни яратади.

**Имомул ХАН,**
**"Cotton Solution. Ltd." компанияси ижрочи директори (Бангладеш):**

— Республикангизда хорижий ишбилармонларнинг бизнес юритиши учун яратилаётган имкониятлар кўлами ниҳоятда кенг. Ярмарка эса амалий ҳаракатларни юзага чиқаришда муҳим бир воситадир. Хусусан, компаниямиз шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасини импорт қилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, ўзбек пахтаси сифати жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Бундай хом ашёдан, табиийки, пишиқ тола олинади. Буни саноатчилар жуда яхши билишади. Шу боис кейинги йилларда дунё бозорида ўзбек толасига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бангладешда ўнлаб корхоналар айнан ўзбек толасини қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Жорий йилда буюртмаларимиз сони янада кўпайган. Шуни инобатга олиб, ярмаркада 80 минг тоннагача пахта толасини харид қилишни режалаштириб турибмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзиб олди.**

## Маҳсулот буюртмачи манзилига етказилади

Ўтган йили пойтахтимизда ташкиллаштирилган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида қатнашган Беҳзод Диллиевни сутни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий ускуналардан бири қизиқтириб қўйганди.

ТАШАББУС

Шу йил жондорлик ёш тадбиркор банкнинг 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити эвазига ушбу технологик линияни харид қилиб, ишга туширди. Айни пайтда "Беҳзод Диллиев" масъулияти чекланган жамиятида ўн турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Дарвоқе, тиниб-тинчимас ёш тадбиркор нафақат ўзи, балки истеъмолчилар манфаатларини ҳам ўйлаб иш тутаётир. Шу мақсадда у махсус музлаткичли автомобиль харид қилди. Эндиликда тайёр маҳсулот савдо шохобчалари ҳамда мактабгача таълим муассасаларига пешма-пеш етказиб берилаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАРАЁН

*Бугун мамлакатимизда фармацевтика саноатини ислоҳ қилиш, соҳага илғор ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу эса юртимизда ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг юқори сифатли, рақобатбардош ҳамда экспортбоп бўлишини таъминлашга хизмат қилаётир.*

# Ишончли, сифатли ва рақобатбардош

## дори воситалари фармацевтика саноатида эришилаётган ютуқлар ифодасидир



"Ўзфармсаноат" давлат-акциядорлик концерни тизимига қарашли "Agro bio kimyo" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шу ислоҳотлар шарофати билан ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш олиб бораётган ушбу жамиятда ҳозир, асосан, юқори сифатли зарарсизлантирувчи маҳсулотлар ҳамда тери антисептиклари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари ўрнатилган тартибга мувофиқ микробиологик ва токсико-гигиеник текширишлардан ўтказилгач, улардан республикамиз ҳудудида фойдаланишга рухсат берилади. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий истеъмолчи ва буюртмачилари соғлиқни сақлаш, аграр ва озиқ-овқат саноати муассасаларидир. Чунки зарарсизлантириш юқумли хасталикларга қарши курашишнинг самарали усули саналади. Қолаверса, бундай препаратлар турли касалликларнинг олдини олишда ҳам фойдалидир.

— Бизнинг барча маҳсулотларимиз мамлакатимиз олимларининг меҳнати, изланишлари самарасидир, — дейди "Agro bio kimyo" масъулияти чекланган жамияти савдо ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Асадулла Ражабов. — Шунга мувофиқ уларни энг илғор илмий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бу эса тежамкорликка эришиб, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконини бераяпти. Биз турли вируслар, микроорганизмларнинг янги воситаларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, бугун корхонада тайёрланаётган "АБК — Экстра", "АБК — Хлоратив", "Экстра — Дез", "Антисептин", "АКВАдез — НУК 15", "ДС — 1", "Антисептин Он" каби зарарсизлантирувчи препаратларнинг сифат ва самарадорлиги юқори. Улар ёрдамида хоналар юзаси ҳамда санитар-техник жиҳозларни бактериал инфекциялардан бартараф этиш мумкин. Қолаверса, улардан соғломлаштириш-профилактика муассасалари, маиший хизмат тизими иншоотлари, шунингдек, умумий овқатланиш мажмуаларини дезинфекциялашда кенг фойдаланиш мумкин.

Корхонада тайёрланаётган яна бир маҳсулот — "Тозаден" ("Бетадин" препаратининг муқобили) антисептик, яъни дезинфекцияловчи восита бўлиб, у замбуруғлар ва протозойларга қарши самарали таъсир кучига эга. Уни жарроҳлик амалиётида, гинекологик, акушерлик муолажаларидан аввал, биопсия, инъекция, пункция қилиш, қон олишдан олдин қўлларни дезинфекция қилиш, антисептик ишлов беришда қўлланилади. Шунингдек, препарат тананинг жароҳатланган қисмини тозалаш, суюлтирилган эритмаси эса офтальмологик амалиётда ишлатилади.

Айтиш жоизки, айни кунда "Agro bio kimyo" томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат юқори сифати, балки нисбатан арзонлиги билан ҳам хорижий муқобилларидан устунликка эга. Шу боис корхонанинг барча препаратлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий дори воситалари рўйхатига киритилган.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

Реклама ўрнида

14 ОКТЯБРЬ — ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ КУНИ

*Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланмоқда. Уларнинг саноатдаги улуши 28,4 фоизни, бандликдаги ҳиссаси 76,4 фоизни ташкил этаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Эътиборли жиҳати, соҳа вакиллари томонидан тайёрланган сифатли маҳсулотлар ички бозоримизни бойитишдан ташқари экспорт салоҳиятини оширмоқда.*

# Экспорт салоҳиятини оширишнинг муҳим омили

Маълумки, тадбиркорнинг дунё бозорига чиқиши у таклиф этаётган маҳсулотнинг сифатига бевосита боғлиқ. Бошқача айтганда, корхона ёки ташкилот ишлаб чиқаришда халқаро сифат тизимлари, хусусан, ISO стандартлари жорий этилсагина ташқи бозорда ўз ўрнини топа олади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги "Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, "Ўзстандарт" агентлиги қошида Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюросининг ташкил қилиниши, айниқса, ишбилармонларнинг бу борадаги ишларини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки Бюромиз томонидан экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлаш, сертификатлаш, ёрлиқлаш, қадоқлаш ва бошқа йўналишлар юзасидан халқаро ҳамда мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳатлар берилаяпти. Бунда, табиийки, дунёнинг ўнлаб давлатлари билан стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология йўналишларида ҳукуматлараро ва идоралараро имзоланган битимлар муҳим омил бўлмоқда. Натижада ҳозирги кунгача Германия, Ҳиндистон, Польша, АҚШ, Грузия, Қирғизистон сингари 26 та мамлакат билан ўзаро маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида тадбиркорлик субъектлари, ташкилотлар, корхоналарнинг буюртмаларига мувофиқ, маҳсулотларни каталоглаштириш ҳамда меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида 20 та корхонага методик ёрдам кўрсатилди. "Ўзстандарт" агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда жойларда 2 мингдан зиёд корхоналар фаолияти таҳлил қилиниб, уларга консультатив хизматлар кўрсатилиши баробарида, сифат бўйича масъуллар тайинланди. 54 та корхонада эса сифат менежменти тизими жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда хўжалик юритувчи субъектларда халқаро сифат тизимини жорий қилиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилди. Унинг доирасида кўрилган чора-тадбирлар туфайли шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидаги 18 та ишлаб чиқариш субъектида халқаро сифат андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, республикамизда ишбилармонлик муҳитининг тобора яхшиланиб бораётгани иқтисодиётимиз барқарорлигига, аҳолининг иш билан бандлиги ва моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Корхоналарда халқаро стандартларнинг изчил татбиқ этилаётгани эса тадбиркорларнинг жаҳон ишбилармонлари билан рақобатга киришишлари учун қўшимча имкониятлар яратаётир.

**Нурилло ЎРОЗҚУЛОВ, «Ўзстандарт» агентлигининг Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси директори.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Япония ҳудудига "Вонгфонг" тўфони кириб келгани туфайли Окинава префектураси ва Кюсю оролида 350 дан ортиқ авиарейс бекор қилинди.*

## Тўфон оқибати

Ўз навбатида, мамлакатдаги энг йирик темир йўл компанияси — "West Japan Railway Company" ҳам 21 йўналиш бўйича қатновлар вақтинча тўхтатилганлигини билдирди. 60 мингга яқин оила эса электр таъминотидан узилиб қолган. Метеорологлар бу галги табиат ҳодисаси анча кучли эканлигини ва кенг миқёсда ҳаракатланаётганини таъкидлашмоқда. Хусусан, шамолнинг тезлиги сониясига 50 метрни ташкил этаяпти.

Тўфон шу пайтга қадар 38 киши ҳаётига зомин бўлди.

## Ўсиш суръати юқори



*Жорий йилнинг сентябрь ойида Хитойда экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,3 фоиз ошди.*

Бу 2013 йилнинг феврaль ойидан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Экспертлар августда ушбу мамлакатда импорт кўрсаткичи 2,4 фоиз пасайганидан келиб чиқиб, сентябрда ҳам ана шундай ҳолат кузатилишини тахмин қилишганди. Аммо амалда импорт ҳажми 7 фоиз ўсди. "Бу Хитойда ички талаб ҳам қайта тикланаётганини англатади", дейилади манбада.

## Уч сонияда битта фильм



*Жанубий Кореянинг "Samsung" корпорацияси "Wi-Fi" технологияси орқали маълумотларни сониясига 4,6 гигабайт тезликда узатиш имконини берувчи янги модификацияни ишлаб чиқди.*

Бу ҳозир амалда фойдаланилаётган ана шундай қурилмаларнинг энг максимал даражадаги тезлигидан беш баробар юқоридир. "802.11ad" дея номланган янги технология ёрдамида, масалан, ҳажми 1 гигабайтга тенг бўлган фильмни атиги 3 сонияда ёзиб олса бўлади.

Ишлаб чиқарувчилар янги турдаги "Wi-Fi"ни келгуси йилда тақдим этишни режалаштиришмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

1058/564

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 31 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**I.** Суд Департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001-0016 литерлардаги керамзит базаси.

***Бошланғич нархи — 313 334 892 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012 литерлардаги оғилхона комплекси.

***Бошланғич нархи — 396 286 207 сўм.***

**3.** Олтиариқ тумани, «Янги ҳаёт» МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 569,65 кв.м., фойдаланиш майдони 631,10 кв.м. бўлган, 0001-0003 литерлардаги қурилиши тугалланмаган хусусий банк бино ва иншоотлари.

***Бошланғич нархи — 121 133 338 сўм.***

**II.** Бешариқ тумани СИБ томонидан, Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 26 мартдаги 15-13-05/7383-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Андархон» ҚФЙ, «Чинобод» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 442,76 кв.м., фойдаланиш майдони 330,98 кв.м. бўлган, 0001-0008 литерлардаги биолаборатория биноси.

***Бошланғич нархи — 24 913 447 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 29 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масалалар юзасидан мурожаат учун манзил:**
**Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази», 2-қават, 19-хона.**
**Тел.: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

**Хизматлар лицензияланган.**

1632A/90



«OHAUS» тарозилари
Ишончли
Аниқ
Кенг танлов
www.fortek.uz

Маҳсулот сертификатланган.

FORTEK
«OHAUS» компаниясининг расмий дистрибьютори

**Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50.**
**Факс: (+998 71) 267-71-90.**
**e-mail: office@fortek.uz**
**web: www.fortek.uz**

1486R/751

VEGA Certification
Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларини автоматлаштириш

VEGA
ERP система



Талабномадан сертификатни нашр этгунча автоматлаштириш

Ҳисоботлар
Вақтни тежаш
МТҲ билан тез ишлаш

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

**Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.**
**Факс: (+998 71) 267-71-90.**
**e-mail: info@vega.uz**
**web: www.vega.uz**

1487R/751

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси меҳнат фахрийси, ёзувчи **Муроджон МАНСУРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Жаҳон 24 соат ичида: Гарвард университети олимлари томонидан қандли диабет хасталигини даволашнинг энг самарали усули топилди.

# Ёрқин таассуротлар, унутилмас лаҳзалар

*Пойтахтимизда еттинчи халқаро Тошкент фотобиенналеси якунланди. Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи томонидан ташкил этилган мазкур тадбир, айтиш жоизки, бир ҳафта давомида чинакам санъат байрамига айланди.*

ФОТОБИЕННАЛЕ — 2014




Унда юртимиз ижодкорлари, шунингдек, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Италия, Руминия, Канада, Бразилия, Беларусь, Япония, Латвия, Литва, Эрон, Қозоғистон сингари 32 та мамлакат вакилларининг 1500 дан зиёд бадиий асарлари намойиш этилиши, ушбу фотосуратларнинг пойтахтимиздаги санъат галереялари ва кўргазма залларидан ташқари, Бухоро шаҳридаги музейларда ҳам ихлосмандлар эътиборига ҳавола қилинганлиги тадбирга ўзига хос кўтаринкилик бағишлади.

Бу йилги Тошкент фотобиенналеси "Ўхшашлик. Тасаввур ва борлиқ" шиори остида ўтказилиб, анжуман доирасида иштирокчилар томонидан турли мавзулардаги 55 та лойиҳа тақдим этилди.

Ташкилий қўмита суратларни тўрт йўналишда, яъни "Энг яхши бадиий фотоасарлар учун", "Энг яхши бадиий фотоасарлар туркуми учун", "Энг яхши ҳужжатли фотоасарлар учун" ҳамда "Энг яхши ҳужжатли фотоасарлар туркуми учун" деб номланган номинациялар бўйича баҳолади. Диққатга сазовор ижодий ишлар муаллифлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг махсус дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

— Фотобиенналеда иштирок этиб, жаннатмонанд диёрни кўришга, Тошкент, Бухоро каби афсонавий шаҳарларни томоша қилишга муваффақ бўлганимдан беҳад мамнунман, — дейди озарбайжонлик иштирокчи, "Энг яхши ҳужжатли фотоасарлар туркуми учун" номинацияси ғолиби Эльгар Жафаров. — Бу ерда ижодкорни илҳомлантира оладиган гўзал манзиллар кўп экан. Ҳайратланиб суратларга муҳрлаб олдим.

Айтиш керакки, дастлабки тадбирлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида бошланди. Хусусан, франциялик фотоижодкор Пайрамнинг "Ўзбекистонга саёҳат" деб номланган асарлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Муаллифнинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалар, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий мажмуаларни ўзига хос тарзда суратга олганлиги алоҳида эътиборни тортди.

Ҳафталикнинг аҳамиятли лойиҳаларидан яна бири — Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда япониялик, италиялик, беларуслик, руминиялик ҳамда қозоғистонлик санъаткорларнинг миллий анъаналар акс эттирилган суратлари тақдим этилганидир.

— Биз пойтахтингиздаги санъат кошоналарида ўтказилган кўплаб кўргазмаларда қатнашдик, — дейди япониялик санъатшунос Мари Микаши. — Ҳар бир юртнинг ўзига хос менталитети, ўтмиши, бой маданияти ва бугунги ҳаёт тарзи таъсирчан тасвирлар орқали ифодаланганлиги ижодкорга бир олам завқ беради. Айниқса, мезбон юрт — Ўзбекистоннинг тарихи, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлари, Тошкентдаги замонавий архитектура иншоотлари, муҳташам маданият масканлари менда олам-олам таассурот қолдирди.

Бу йилги Тошкент халқаро фотобиенналесида ўзбекистонлик ёш иқтидор эгалари ҳам фаол қатнашишди. Чунончи, Ўзбекистон амалий санъат музейида Темур Қурбонбоевнинг ижод намуналари намойишга қўйилди. "Наврўз рақси" деб номланган ушбу фотожамламада халқимизнинг энг ардоқли айёмлари, ўзбек миллий рақслари, уларнинг жозибадорлиги акс этган суратлар ўрин олди. Пойтахтимиздаги "Дархон" бизнес марказида эса Муҳиддин Али ва Динара Д. ижодий жуфтлигининг спорт билан шуғулланувчи турли ёш ҳамда касбдаги инсонларнинг соғлом турмуш тарзини ифодалайдиган фотоасарлари тақдимоти йиғилганларда илиқ таассуротлар уйғотди.



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Тошкент халқаро фотобиенналеси доирасида Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган "Болалик майдони" деб номланган кўргазма-танловида юртимиз ва хорижлик ижодкорлар болаликнинг беғубор дамларини ифодаловчи асарлари билан қатнашдилар.

Еттинчи халқаро Тошкент фотобиенналесининг Гран-при соврини ўзбекистонлик фоторассом Фарҳод Каримовга насиб этди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам фаол қатнашаяпти.*

*Халқимиз орасида шундай юмушлар борки, уларни аёллар меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Масалан, тикувчилик ёки каштачилик. Уни фақат аёллargina эплаши мумкин. Яхшигина даромад манбаи бўлмиш ушбу ҳунарнинг этагидан тутиб, ҳам оиласига, ҳам юртига фойда келтираётган аёлларимиз бугун жамиятимизнинг таянчига айланиб бораётир. Аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда эса паст фоизли, имтиёзли микрокредитлар муҳим ўрин тутмоқда.*

MIKROKREDITBANK

# Тадбиркор аёллар ва изчил ривожланиш




Хусусан, республикамизнинг тоғли, чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг микромолиявий хизматлардан фойдаланишини йўлга қўйиш мақсадида "Микрокредитбанк" томонидан "Тадбиркор аёл — баркамол авлод бунёдкори" лойиҳаси рўёбга чиқарилди. Мазкур лойиҳа доирасида жойларда кўргазмали семинарлар ўтказилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси эса тадбиркор хотин-қизларга бизнес-режалар тузиш, ўз бизнесини бошлаш ва оилани иқтисодий жиҳатдан яхшилашда кўмаклашмоқда.

Лойиҳанинг биринчи босқичида Қонликўл, Тошлоқ, Қарши, Юқори Чирчиқ, Фориш ва Мирзаобод туманлари қамраб олиниб, 174 нафар аёлга микрокредитлар ажратилган бўлса, иккинчи босқичда 360 нафардан зиёд хотин-қизга имтиёзли бошланғич сармоялар гуруҳ аъзоларининг ўзаро кафиллиги асосида берилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг июнь ойида банк ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида аёллар ҳамда ёшлар, жумладан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма иш режаси тузилди. Унга кўра, Нурота, Мўйноқ, Ёзёвон, Узун, Касби, Мингбулоқ ва Хонқа туманларида "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами" мавзуида турли тадбирлар уюштирилди. Уларда 593 нафар битирувчи ёшга бошланғич сармоя олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда 47 нафар қизга тикув машиналари тақдим қилинди. Пировардида юқорида тилга олинган туманларда 628 та иш ўрнини яратиш, хусусан, 389 нафар битирувчи қизнинг бандлигини таъминлаш имкониятлари пайдо бўлди.

Шу билан бирга, "Қорақалпоқ аёлларининг иқтисодий билимларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси доирасида жорий йилда 110 нафар қишлоқ аёлининг иқтисодий билими оширилиб, яна шунча хотин-қизга 220 млн. сўм миқдорида бошланғич сармоялар ажратилишига эришилди.

— Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ талаб этилади, — дейди Музработ туманидаги "Музработ иссиқ нон" хусусий корхонаси раҳбари Мастона Бобоева. — Шу маънода, ишбилармоннинг фаолияти молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқ, дейиш мумкин. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса муваффақиятларнинг мустаҳкам гаровидир. Шундан келиб чиқиб, банк мижоз учун қулай шартлардаги хизматлар турини кўпайтирмоқда. Мисол учун, корхонамизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этишимизга "Микрокредитбанк"нинг Музработ тумани филиали томонидан 39 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилган эди. Ушбу маблағ ҳисобидан дастлаб цех биносини мукаммал таъмирдан чиқардик, сўнгра замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдик. Бугунги кунда бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари, нон пиширишга мўлжалланган 2 та ва хамир қорувчи битта ускуна ёрдамида бир кеча-кундузда 1500 донагача қолипли нон ҳам тайёрланаяпти.



Таъкидлаш керакки, аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этган ҳолда, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва Европа Иттифоқининг "Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар" қўшма лойиҳаси ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, амалга оширилаётган ана шундай чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида "Микрокредитбанк" томонидан юртимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 58,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу маблағ эса, шубҳасиз, минглаб оилаларнинг турмуши янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

**«Микрокредитбанк»**
**Матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

---

# Бетакрор воҳа илҳоми

*Хивадаги "Ичанқалъа" ёдгорлик мажмуасида "Хоразм мустақиллик йилларида" деб номланган кўргазма ташкил этилди.*

КЎРГАЗМА

Ундан Хоразм вилоятининг кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, илмий ва маданий ҳаётида эришилган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, фотоальбомлар ўрин олган. Шунингдек, халқ амалий санъатини ривожлантириш тарихига бағишланган қатор альбомлар, буклетлар ҳам намойиш қилинаяптики, булар кўҳна Хоразмнинг номоддий-маданий мероси нақадар улуғлигидан далолат беради.

Кўргазма шаҳар меҳмонларида, айниқса, чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар ўртасида **«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

**Танлов шартлари**

Танловга 2014 йилнинг 1 январидан 1 декабрига қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзулардаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фотоматериаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилларида тақдим этилиши мумкин. Эълон қилинган материаллар, фоторепортажлар босма ва интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши лозим. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

**Танлов ғолибларига мукофотлар**

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар (телевизор, ноутбук, планшет) билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2014 йил 10 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона.
Телефон/факс: (0-371) 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz,
e-mail: fonduz@umail.uz, mmf.uz@mail.ru

**Ташкилий қўмита.**

---

**Хабар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 4 ОКТЯБРДАН 10 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 27 сентябрдаги 33/1-сонли қарори.*

**2014 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 953-2 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 27 сентябрдаги 33/2, 64, 2014-32-сонли қарори.*

**2014 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-3 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

3. «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 27 сентябрдаги 33/3, 75, 65, 01-02/19-18-сонли қарори.*

**2014 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1514-6 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

4. «Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2014 йил 12 сентябрдаги 12-сонли қарори.*

**2014 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2618 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

5. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 29 сентябрдаги 9/й, 54, 23-кқ-сонли қарори.*

**2014 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2619 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

6. «Таълим муассасаларида бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2014 йил 9 сентябрдаги 21-Б-сонли буйруғи.*

**2014 йил 9 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2620 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

7. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 22 сентябрдаги 2014-28-сонли буйруғи.*

**2014 йил 9 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-2 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

8. «Ҳарбий-техник мулкни баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш Миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2014 йил 30 сентябрдаги 01/27-26/25, 15-сонли қарори.*

**2014 йил 9 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1769-1 (2014 йил 13 октябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низом», 1–5-сон ўзгартириш ва қўшимчалар *(рўйхат рақами 1514, 2005 йил 4 октябрь), (рўйхат рақами 1514-1, 2012 йил 10 май), (рўйхат рақами 1514-2, 2012 йил 1 август), (рўйхат рақами 1514-3, 2013 йил 4 январь), (рўйхат рақами 1514-4, 2013 йил 9 апрель), (рўйхат рақами 1514-5, 2013 йил 13 август). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 7 октябрдаги 251-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари» *(рўйхат рақами 2554, 2014 йил 10 январь). Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 8 октябрдаги 253-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан 2002 йил 21 августда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 7 августдаги ПФ–3112-сонли «2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»-ги Фармонига мувофиқ вазирлик ва идораларнинг илмий ходимлари, илмий бўлинмаларининг лавозим разрядлари ва тариф коэффициентлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 20 апрелдаги 11, 6-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномалари асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжатлар сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.**

---

WWW.XS.UZ — Навоий вилояти: Зарафшон шаҳридаги "Авиценна — Зарафшон" хусусий клиникасига Германиядан электрон лаборатория жиҳозлари келтириб ўрнатилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5